

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАНОВ САЙФИДДИН ЖЎРАБОЕВИЧ**

**ТИТАН КАРБИДИ АСОСИДАГИ ИККИ ПОДРЕШЕТКАЛИ МЕТАЛЛ  
ВА НОМЕТАЛЛ БИРИКМАЛАРИНИНГ КРИСТАЛЛ СТРУКТУРАСИ  
ВА ФАЗА ЎТИШЛАРИ**

**01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по физико-математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on physical and mathematical sciences**

**Рахманов Сайфиддин Жўрабоевич**

Титан карбиди асосидаги икки подрешеткали металл ва нометалл бирикмаларининг кристалл структураси ва фаза ўтишлари..... 3

**Рахманов Сайфиддин Джурабоевич**

Кристаллическая структура и фазовые превращения сплавов с двойными подрешетками металлов и неметаллов на основе карбида титана..... 23

**Rakhmanov Sayfiddin Dzhuraboevich**

Crystal structure and phase transformations of alloys with double sublattices of metals and nonmetals based on titanium carbide..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАНОВ САЙФИДДИН ЖЎРАБОЕВИЧ**

**ТИТАН КАРБИДИ АСОСИДАГИ ИККИ ПОДРЕШЕТКАЛИ МЕТАЛЛ  
ВА НОМЕТАЛЛ БИРИКМАЛАРИНИНГ КРИСТАЛЛ СТРУКТУРАСИ  
ВА ФАЗА ЎТИШЛАРИ**

**01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/FM249 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хидиров Ирисали**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джуманов Сафарали**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Пайзуллаханов Мухаммаде-Султанхан**

**Саидвалиханович**

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел.: (+998) 71-289-31-41; факс: (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Ю. Ташметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**О.Р. Тожибоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD, катта илмий ходим

**Э.М. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда ўзгарувчан таркибли томонлари марказлашган куб (ТМК) структурали  $TiC_x$  титан карбидини ( $x = 0.33 - 1.00$ ) тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай катта қизиқиш унинг қийин эрувчанлиги (3270 К дан юқори), иссиқликка чидамлилиги, юқори мустаҳкамликка эгаллиги, коррозия ва радиацияга чидамлилиги каби хоссаларининг мавжудлигидир. Бундан ташқари у ўзига хос электр ва магнит хоссаларига эга. Энг муҳими шундаки, кенг гомоген-лик соҳаси туфайли унинг қимматли хоссаларини кенг оралиқда ўзгартириш мумкин. ТМК  $TiC_x$  титан карбидининг қўлланиш соҳаси жуда ҳам кенгдир. У экстремал шароитларда саноатда ва техникада, кемасозликда, ракетасозликда, инструментал техникада ва тиббиётда кенг қўлланилади. Лекин катта стратегик аҳамиятга эга бўлган бундай материал водород киришмасига жуда ҳам сезгир бўлади. Ҳаттоки, кичик миқдордаги водород киришмаси ҳам титан карбидининг кристалл тузилишини ўзгартириши ва шунга мос равишда хусусиятларига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Водород атоми кичик радиусга эга бўлгани туфайли, унинг кўп миқдордаги атомларини ТМК  $TiC_x$  титан карбидининг қўплаб октаэдр ва тетраэдр тугунлари оралиқларида жойлаштириш мумкин бўлгани учун ундан водород энергетикасида ҳамда водород материалшунослигида водород резервуари манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари илмий адабиётлар таҳлилидан маълум бўлдики, ТМК титан карбидида титан атомларининг сезиларли қисмини молибден атомлари билан алмаштириш натижасида хусусиятлари жиҳатидан заҳиралари жуда ҳам танқис бўлган вольфрам бирикмаларидан кам бўлмаган бирикма ҳосил бўлади. Агар ТМК титан карбидида водород икки подрешеткали нометалл суқилма бирикмасини ҳосил қилса, молибден қийин эрувчи икки подрешеткали металл суқилма бирикмасини ҳосил қилади. Юқорида санаб ўтилган ноёб хусусиятлар туфайли, титан карбид асосидаги икки подрешеткали нометалл ва икки подрешеткали металл карбидини ўрганиш, водород материалшунослиги ва қийин эрувчи бирикмалар материалшунослигининг долзарб масаласи ҳисобланади.

Мамлакатимизда қаттиқ жисм ва материалшунослик соҳасидаги тажрибавий ҳамда назарий ишларни жаҳон миқёсида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан олинган натижалар асосида, хусусан, ишлов бериш хоссаларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган наноструктурали  $TiC_x$  титан карбидини олиш имкониятлари кўрсатилди. Бу йўналишда материалшунослик соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотларнинг инновацион технологияларини қўллаш орқали ушбу йўналишдаги тадқиқотлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. У 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> акс эттирилган.

<sup>1</sup> 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сонли “2017-2021 йиллар электрон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. “Энергетика, энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**  $TiC_x$  титан карбидининг кристалл тузилишини ўз ичига олган физик, механик хусусиятларини ўрганиш, дунёнинг етакчи олимлари, шу жумладан, россиялик (А.И.Гусев, А.А.Ремпель, В.Н.Липатников, С.З.Назарова, Л.В.Зуева, Р.А.Андриевский, И.И.Спивак), корейлик (С.Н. Lee, Н.С. Shim, Y.N. Choi, J.S. Lee, М.Р. Hwang) олимлар ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Улар томонидан IV-VI гуруҳлардаги оралик металлларнинг карбидларида ва нитридларида фаза ўтишлари бўйича назарий ҳамда тажрибавий тадқиқотлар ўтказилган, электр, иссиқлик, физик ва механик хоссалари ўрганилган.

Бир қатор Ўзбекистон олимлари (И.А.Каримов, В.Т.Эм, И.Хидиров, М.Каланов, А.Эмиралиев, Ф.Файзуллаев, И.С.Латергаус, М.Ю.Ташметов, Б.Б.Мирзаев, А.С.Парпиев) томонидан ЎзР ФА ЯФИ ВВР-СМ ядро реакторининг горизонтал каналларида созланган DN-500 нейтрондифрактометрида бундай бирикмаларнинг кристалл тузилишлари ва фаза ўтишларининг нейтронографиявий тадқиқотлари ўтказилган. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Улар томонидан илк марта IV-VI гуруҳлардаги оралик металлларнинг карбидларида ва нитридларида фаза шаклланишлари ҳамда кристалл структураларига водороднинг таъсири кўрсатиб берилган, ушбу натижалар кристаллография бўйича Халқаро маълумотлар базасига киритилган.

Сўнги вақтларда россиялик олимлар П.В.Бурков ва С.Н.Кульковлар томонидан титан атомларининг сезиларли қисми (10 ат. %гача) молибден атомлари билан ўрин алмашинуви натижасида стехиометрик  $TiC_x$  титан карбиди ишчи тавсифларининг сезиларли даражада яхшиланиши кўрсатилди.

Бунда механик хусусиятлари, танқис ва қимматбаҳо вольфрамни ўз ичига олган бирикмаларнинг хусусиятларидан юқори бўлган иккита подрешеткали металл карбиди ҳосил бўлади. Ўзбек олимлари М.Ю.Ташметов ва М.Патиев томонидан ностехиометрик титан ҳамда ваннадий карбидлари асосида кўп таркибли суқилма бирикмаларида фаза ўтишлар ўрганилиб, фаза шаклланишида иккита металл (Mo, V, Ta, Nb) ва иккита нометалл (O, N ва H)ларнинг аҳамияти ва бундай бирикмаларда ҳарорат таъсирида нометалл атомларининг тартибланиши кўрсатиб берилган.

Лекин титан карбидининг техника, саноат ва тиббиётда катта амалий аҳамиятига қарамадан, кенг оралиқда турли хил миқдордаги водородни унинг карбиди структурасининг барқарорлигига таъсирини ўрганиш тизимли равишда олиб борилмаган. Ваҳоланки, титан карбидини олишнинг ўзига хос технологик хусусиятлари туфайли у кўпинча нометалл подрешеткада турли хил миқдордаги водород киришмаларини ўз ичига олиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу масала мустақил қизиқиш уйғотади. Чунки таркибида водород бўлган титан карбиди юқори ҳароратли водород резервуари сифатида водород энергетикасида фойдаланиш учун номзодлардан биридир. Шунингдек,  $TiC_x$  титан карбидининг бирикмасида титан атомларининг кўп қисмини 10 ат. %дан кўп молибден атомлари билан алмаштирилган бирикма ҳали синтез қилинмаган ва механик хоссаларига таъсири ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаларига боғлиқлиги.** Диссертация иши ЎзР ФА Ядро физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф2-ФА-Ф119 “Ti асосидаги суқилмали бирикмаларининг температура ва  $\gamma$ -радиация таъсирида вужудга келадиган кристалл структураларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини нейтронлар дифракцияси ёрдамида ўрганиш” (2012-2016); ОТ-Ф2-22 “Кристалл атомларининг иссиқлик тебранишлари назариясини ривожлантириш” (2017-2020); 2019 йил 21 ноябрдаги № ПҚ-4526 Президент Қарори билан тасдиқланган мавзу бўйича илмий ишлар дастури: “Титан асосидаги икки хил металл ёки икки хил нометалл таркибли суқилма бирикмаларнинг кристалл панжараларини ва фазавий ҳолат ўзгаришларини нейтронография усули билан ўрганиш” (2020-2024) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади**  $TiC$  титан карбиди асосида икки подрешеткали металллардан (Ti, Mo) ва нометалллардан (C, H) ташкил топган бирикмаларнинг кристалл тузилиши ҳамда фаза ўзгаришлар қонуниятларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ностехиометрик  $TiC_x$  титан карбиднинг кристалл тузилишига турли хил миқдордаги водород атомларининг таъсирини нейтронография усули билан тадқиқ қилиш;

турли миқдордаги водород бўлган  $TiC_xH_y$  титан карбиддаги структуравий ҳолат ўзгаришларини 1475-300 К ҳарорат оралиғида

нейтронография усули билан ўрганиш;

TiC титан карбидида титан атомларининг бир қисмини Мо молибден билан алмаштиришнинг титан карбиди тузилишига ва айрим хоссаларига таъсирини ўрганиш ҳамда адабиётларда маълум бўлган миқдорга қараганда кўп миқдорда молибдени бўлган, механик хоссаси яхшиланган бирикма олишнинг шартларини топиш ва синтез қилиш;

Ti<sub>1-x</sub>Mo<sub>x</sub>C суқилма бирикмаларининг тузилишини ва элементар ячейкасининг хусусиятларини нейтронография усули билан аниқлаш;

Ti<sub>1-x</sub>Mo<sub>x</sub>C суқилма бирикмаларининг микроқаттиқлигини Виккерс усули билан тадқиқ этиш;

титан карбиддаги металл (Ti) атомларининг бир қисмини ёки нометалл (C) атомларининг бир қисмини бошқа турдаги атомлар билан алмаштиришнинг уч компонентли Ti<sub>0.75</sub>Mo<sub>0.25</sub>C, Ti<sub>0.70</sub>Mo<sub>0.30</sub>C, TiC<sub>0.50</sub>N<sub>0.50</sub> ва TiC<sub>0.30</sub>N<sub>0.70</sub> бирикмалардаги атомларнинг ўртача квадратик силжишига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида TiC<sub>x</sub> титан карбиди асосидаги икки подрешеткали металл (Ti, Mo) ва нометалл (C, N) суқилма бирикмалар олинган.

**Тадқиқот предметини** TiC<sub>x</sub> титан карбиди асосидаги икки подрешеткали уч компонентли (TiC<sub>x</sub>N<sub>y</sub>, Ti<sub>1-x</sub>Mo<sub>x</sub>C) суқилма бирикмаларнинг кристалл тузилиши ва улардаги фаза ўтишлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари:** нейтронлар дифракцияси, рентгенография усуллари, нейтронструктуравий таҳлилнинг тўла профили таҳлил усули (FullProf), микроқаттиқликни аниқлашнинг Виккерс усули.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юқори ҳароратли TiC<sub>0.50</sub>N<sub>y>0.22</sub> титан карбогидриди фазо гуруҳи (фаз. гур.) *Fd $\bar{3}m$*  бўлган тартибланган тузилишга ва даври  $P = 16$  бўлган тартибланган антифазавий доменларига эга эканлиги кўрсатилган;

Ti-C-N системасида ўтиш схемаси ва фазавий таркиби водород миқдорига ҳамда ҳароратга боғлиқ бўлган бир қатор кетма-кет босқичли (эволюциявий) фаза ўтишлари кузатилган;

TiC<sub>0.50</sub>N<sub>y</sub> карбогидридда нометалларнинг  $x=N/Ti \geq C/Ti=0.50$  муносабатни қаноатлантирувчи таркибларида сингонияси ва панжара доимийси кескин ўзгарувчи томонлари марказлашган куб (*Fm $\bar{3}m$*  фаз. гур.) фазадан гексагонал структурали (*P $\bar{3}m1$*  фаз. гур.) фазага водород миқдори бўйича I тур миқдорий фаза ўтиши аниқланган;

томонлари марказлашган куб структурали TiC титан карбидида Ti атомларини 30 %гача Мо атомлари билан алмаштириш мумкинлиги асослаб берилган ва юқори ҳароратли (2475 K) қиздириш йўли билан мос пропорциядаги титан ҳамда молибден карбидларининг куқунларидан Ti ва Мо ўрин алмашувчи қаттиқ эритмалар матрицасида юқори қаттиқликка эга кўш металл карбиди олинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нейтронлар дифракцияси маълумотлари асосида энг кичик квадратлар ва

дифрактограмманинг тўла профилли таҳлил усуллари билан  $Ti_{0.75}Mo_{0.25}C$  ва  $Ti_{0.70}Mo_{0.30}C$  бирикмаларида атомларнинг тўла (динамик+статик) ўртача квадратик силжишлари аниқланиб, улар TiC титан карбидидагига нисбатан 30 % катта эканлиги кўрсатилган;

куб структурали титан карбидидаги металл (Ti) ва нometалл (C) атомларини ташқи валент электронлари конфигурацияси билан фарқ қилувчи бошқа хил атомлар билан алмаштириш уч компонентли  $Ti_{0.75}Mo_{0.25}C$ ,  $Ti_{0.70}Mo_{0.30}C$ ,  $TiC_{0.50}N_{0.50}$  ва  $TiC_{0.30}N_{0.70}$  суқилма қотишмаларда уларнинг панжараларида статик бузилишларнинг пайдо бўлишига олиб келиши кўрсатилган, бу маълумот кристалл панжаранинг динамик характеристикаларини ўзгартириш усули бўлиши мумкин;

$TiC_{0.50}N_{0.50}$  таркибли титан карбогидридидан юқори ҳароратли водород резервуари сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** бир хил тартибли кристалл панжарада оғир металллар ва енгил нometалллар атомларига (C ва N) ўта сезгир бўлган нейтрон дифракцияси усулини қўллаш; дифрактограммаларни Халқаро Кристаллографлар жамияти томонидан тавсия этилган “FullProf” программасида таҳлил қилиш, хулосаларнинг қаттиқ жисмларда фаза ўтишлари ва панжаранинг иссиқлик тебранишлари назарияларининг асосий қоидалари билан мос келиши, конденсирланган ҳолатлар физикасининг умумий қабул қилинган замонавий тушунчаларига зид келмаслиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**  $TiC_xN_y$  титан карбогидридларининг панжарасида водород атомларининг тақсимланиши ва унинг кенг оралиқда таркибининг ўзгариши структуравий фаза ўтишларига ҳамда тартибланган антифазавий доменларининг шаклланишига таъсирини ўрганиш натижалари қийин эрувчи бирикмалар физикаси соҳасидаги қимматли ва янги маълумотлар бўлиб, суқилма фазаларидаги фаза ўтишлар назариясини янги тажрибавий маълумотлари билан бойитади. Титан карбидида титан атомларининг 30 %гача молибден атомлари билан алмаштириш мумкинлигини илмий асослаш ва тажрибада тасдиқлаш, унинг структураси ва атомларнинг ўртача квадратик силжишини ташкил этувчилар валент электронлар сонига боғлиқлигини кўрсатиш суқилма фазаларда фазанинг шаклланиш назариясини бойитади. Шунингдек, олинган янги натижалар суқилма бирикмалар физикасидаги янги тажрибавий маълумотлар бўлиб, улардан ОТМда конденсирланган ҳолат физикаси фанидан ўқитиш учун фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамиятга эга бўлиб, кукунли металлургия ва водород материалшунослиги билан шуғулланадиган технологлар учун қимматли маълумотлар ҳисобланади,  $Ti_{1-x}Mo_xC$  бирикмаси билан амалда ишлатилаётган таркибида танқис вольфрам бўлган бирикмаларни алмаштириш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Титан карбиди асосидаги икки подрешеткали металл ва нometалл бирикмаларининг

кристалл тузилиши ҳамда фаза ўтишлари тадқиқ қилинган натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус Таълим Вазирлиги томонидан ОТМ талабалари ҳамда ёш тадқиқотчилар учун тавсия этилган “Qattiq jism fizikasi” (И.Хидиров. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2019. – 388 б.) ўқув қўлланмасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғига асосан берилган гувоҳномаси). Натижалар титан карбиди асосидаги икки подрешеткали металл ва нометалл бирикмаларининг кристалл тузилишини тадқиқ қилишга хизмат қилган.

юқори ҳароратли  $TiC_{0.50}N_{y>0.22}$  титан карбогидриди тартибланган структурага ( $Fd\bar{3}m$  фаз. гур.) ва  $P=16$  даврли тартибланган антифазавий доменларга эга эканлиги ҳақидаги маълумотлар “Конденсирланган ҳолат физикаси” курси бўйича бакалаврият ва “Конденсирланган ҳолат физикаси ва материалшунослик” махсус курси бўйича магистратура дастури доирасида ўқув жараёнида қўлланилган (Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг 11.01.2022 йилдаги № 01-20-09/51-сон ва Фарғона давлат университетининг 15.01.2022 йилдаги № 01-117-сон маълумотномалари). Илмий натижаларнинг қўлланилиши талабаларнинг конденсирланган ҳолат физикасининг замонавий муаммолари тўғрисидаги тасаввурларини чуқурлаштириш имконини берган;

$Ti-C-N$  тизимида кузатилган қатор кетма-кет босқичли (эволюциявий) фаза ўтишлари ва I тур концентрациявий фаза ўтишини аниқлаш ҳақидаги маълумотлар “Конденсирланган ҳолат физикаси” курси бўйича бакалаврият ҳамда “Конденсирланган ҳолат физикаси ва материалшунослик” махсус курси бўйича магистратура дастури доирасида ўқув жараёнида фойдаланилган (Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг 11.01.2022 йилдаги № 01-20-09/51-сон ва Фарғона давлат университетининг 15.01.2022 йилдаги № 01-117-сон маълумотномалари). Илмий натижаларнинг қўлланилиши талабаларга қаттиқ жисмлардаги фазавий ўзгаришлар тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтиришга ёрдам берган;

кўрсатилган ТМК титан карбидидаги титан атомларининг бир қисмини Мо атомлари билан алмаштириш мумкинлиги ва юқори ҳароратли қиздириш орқали ўрин алмашинувчи қаттиқ бирикма матрицасида ўта қаттиқ суқилма бирикмасини олиш имкониятининг илмий янгиликлари “Конденсирланган ҳолат физикаси” курси бўйича бакалаврият ва “Конденсирланган ҳолат физикаси ва материалшунослик” махсус курси бўйича магистратура дастури доирасида ўқув жараёнида қўлланилган (Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг 11.01.2022 йилдаги № 01-20-09/51-сон ва Фарғона давлат университетининг 15.01.2022 йилдаги № 01-117-сон маълумотномалари). Илмий натижаларнинг қўлланилиши талабаларни конденсирланган ҳолат физикасининг янги аниқланган хусусиятлари билан таништиришга ва уларнинг фаза ўтишлари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилган, замонавий конденсирланган ҳолат

физикасининг муаммолари тўғрисидаги тушунчаларини бойитишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, шулардан, 3 таси ҳорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ишончилиги асосланган. Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, диссертация ишининг мақсади ва вазифалари, янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Тадқиқот натижаларининг апробацияси, шунингдек, диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“TiC титан карбиди асосидаги икки подрешеткали металл ва нометалл таркибли бирикмаларнинг кристалл тузилиши ҳамда фаза ўзгаришлари”** номли биринчи бобида икки нометалл подрешеткали  $TiC_xH_y$  ва икки металл подрешеткали  $Ti_{1-x}Mo_xC$  карбидларнинг кристалл тузилиши ҳамда фаза ўтишлари ҳақидаги адабиётлар шарҳи кўриб чиқилган. Адабиётларда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тажрибавий ва ҳисоблаш усуллари”** номли иккинчи боби нейтронографик тадқиқот усули ва нейтроноструктуравий таҳлил усулини тавсифлашга бағишланган. Нейтронограммаларни ва рентгенографияларни олиш шартлари тасвирланган. Ўрганилган намуналарни тайёрлаш ва баҳолаш ҳақида маълумот берилган.

Водород миқдорлари турли хил ( $y = 0.31 - 0.64$ ) бўлган  $TiC_{0.50}H_y$  титан карбогидридлари экзотермик реакция туфайли ўз-ўзидан тарқалувчи юқори ҳароратли ( $T_{экз.} \approx 2775 \text{ K} - 3270 \text{ K}$ ) синтез усули билан ПТЭМ маркали 99.76 масс. %ли тозаликдаги титан ва “ўта тоза” маркали углерод кукунларини доимий босим бомбасида ёндириш орқали (РФА Материалларнинг структуравий макрокинетикуси институтида) турли хил босимга эга водород муҳитида олинган.

$Ti_{1-x}Mo_xC$  намуналари тегишли пропорцияларда TiC ва MoC куб

карбидларининг кукунларини кукунли аралаштириб, металлургия (қиздириш) йўли билан олинган. Аралашган кукунлардан  $3 \times 10^6$  Н/м<sup>2</sup> босим остида цилиндрик брикет тайёрланиб, юқори ҳароратли СШВ-1.2.5/25 И1 юқори вакуумли печда графитдан ясалган стаканчада 8 соат давомида 2475 К ҳароратда қиздирилди ва печ билан биргаликда совутилди.


Водородли намуналарга термик ишлов бериш вакуум остида кавшарланган кварц ампулада SNOL туридаги печда ( $\Delta T = \pm 3$  °C) амалга оширилди. Кварц ампуласи вакуум остида кавшарланади. Бу ҳол водороднинг намуналардан чиқиб кетишига йўл қўймайди. Вакуум остидаги кварц ампулаларнинг ҳавосини сўриб олиш ва пайвандлаш махсус мослама билан жиҳозланган юқори вакуумли постда амалга оширилди.

Синтез қилинган намуналарнинг кимёвий таркиби кимёвий таҳлил усули билан, шунингдек, намунанинг нейтронграммасидаги диффракцион максимумларнинг тажрибавий ва ҳисобланган интенсивликларининг фарқини минималлаштириш орқали аниқланди. Кимёвий таҳлилнинг хатолиги 0.3 %ни ташкил этади. Намуналарнинг нейтронограммалари хона ҳароратида Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтининг ВВР-СМ ядро реакторининг горизонтал каналига ўрнатилган ( $\lambda = 0.1085$  Å) DN-500 нейтрон диффрактометрида олинди.

Микроқаттиқлик HVS-1000 русумли дисплейли қаттиқлик тестерида Виккерс усули билан аниқланди. Олмос пирамида изининг ўлчаш аниқлиги  $\pm 0.2$  мкм.

Диссертация ишининг учинчи боби **“TiC<sub>x</sub>H<sub>y</sub> титан карбири асосида икки подрешеткали нометалл суқилма фазаларининг кристалл тузилиши ва фазавий ўтишлари”** деб номланади. Юқори ҳароратли водород резервуари нуқтаи назаридан водороднинг миқдори юқори бўлган кукунли кучли ностехиоетрик суқилма бирикмаларни олиш масаласи водород энергетикасида қизиқиш уйғотади. Бугунга қадар бундай муаммони ўрганиш водород миқдори кам бўлган TiC<sub>x</sub>H<sub>y</sub> ( $y \leq 0.21$ ) карбогидридларда бажарилган. Водороднинг бундай кичик миқдорлари водород ядроларида нейтронларнинг когорент сочилиш амплитудалари ( $b_H = - 0.374 \times 10^{-4}$  Å), Ti ядроларида сочилиш амплитудасига ( $b_{Ti} = - 0.34 \times 10^{-4}$  Å) яқин бўлгани учун водород атомларининг панжара тугунлари оралиғида жойлашувини аниқлаш аниқлигини ёмонлаштиради. Шунинг учун кўриб чиқилаётган масалани юқори миқдордаги водородли TiC<sub>0.50</sub>H<sub>0.50</sub> титан карбогидридида ўрганиш талаб қилинади. Нейтроноструктуравий таҳлилга асосан 1475 К дан тез совитилган TiC<sub>0.50</sub>H<sub>0.50</sub> намунаси бир фазали ( $a = 4.315 \pm 0.002$  нм) бўлиб, водород атомлари *Fm*  $\bar{3}$  *m* фаз. гур. да тетраэдр тугунлари оралиқларида жойлашади ва структурани аниқлашнинг ишончсизлик омили энг кичик қиймати  $R_{Br} = 5$  % бўлди. Демак, юқори ҳароратли TiC<sub>0.50</sub>H<sub>0.50</sub> таркибли намунада водород атомлари тетраэдр тугунлар оралиқларида жойлашади. Ушбу бирикма водород резервуари сифатида ўз структурасини сақлаб, узлуксиз сўриб олинди (p  $\approx 10^{-3}$  Па) вакуумда 5 соат давомида 675-725 К ҳароратларда водородни тўла қайтариб беради, сўнгра яна водород юта олади.


Одатда, юқори ҳароратда олинган  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{y \leq 0.22}$  таркибли карбогидридлар тартибсизланган ТМК ( $Fm \bar{3} m$  фаз.гур.) структурага эга бўлади. Бирок водород миқдори юқори бўлган титан карбогидридлари, масалан,  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.31}$  таркиблиси тартибланган ( $Fd \bar{3} m$  фаз.гур.) структурага ва тартибланган антифаза доменли (АФД) тузилишига эга бўлиши кўрсатилди. Ўз-ўзидан тарқалувчи юқори ҳароратли синтез усули билан олинган  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.31}$  ва  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.50}$  намуналарда қўшимча кичик максимумларга эга бўлган нейтронограммалари (1-расм) водород миқдори паст бўлган  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{y \leq 0.22}$  намунанинг нейтронограммасидан фарқ қилади. Бу ҳол нометалл (С, Н) атомлари узоқ тартибга эга эканлигини кўрсатади. Бу фазанинг панжара доимийси  $a = 8.643(2) \text{ \AA} \approx 2a_0$ ,  $a_0$  тартибланмаган панжара доимийси. Нейтронограммага кўра (1-расм),  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.31}$  тартибланган фазасининг структураси  $Fd \bar{3} m$  фаз. гуруҳга мансуб бўлиб,  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.22}$  таркибли титан карбогидриди структураси 870-775 К паст ҳароратларда қиздиришдан кейингина тартибланган  $Fd \bar{3} m$  фаз. гуруҳга ўтади. Ушбу ишда келтирилган моделга кўра, углерод атомлари  $Fd \bar{3} m$  фаз. гуруҳда, асосан, 16с октаэдр тугунлар оралиқларида, қолган оз сонли углерод атомлари ва водород атомлари эса бошқа 16d турдаги октаэдр тугунларини эгаллайди.



**1-расм.  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.31}$  титан карбогидридининг ўз-ўзидан тарқалувчи юқори ҳароратли синтез усули билан олингандан кейинги бошланғич нейтронограммаси ( $Fd \bar{3} m$  фаз. гур.)**

Бирок ушбу модел доирасида нейтроноструктуравий таҳлил усули билан ишончсизликнинг мақбул омилини олиш мумкин бўлмади. Келтирилган моделдаги дифракцион максимумларнинг экспериментал ва назарий ҳисобланган интенсивликларининг номуносивлиги ўрганилаётган намунада тартибли АФД ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Дарҳақиқат, 1- ва 2-расмлардан кўриниб турибдики, тоқ Миллер индексларига эга бўлган қўшимча кичик максимумларнинг уч қисмга симметрик ажралиши кузатилади ва уларнинг профиллари ҳисобланганидан фарқ қилади. Қўшимча кичик максимумларни ажралиши намунада даврий тартибланган АФД ҳосил

бўлганлигини кўрсатади. Қўшимча кичик максимумлар шаклининг бузилишига турли АФД ларга мос келадиган атом текисликларининг бироз фарқли тизимлари сабаб бўлади. Водород миқдори  $H/Ti \leq 0.22$  бўлган  $TiC_{0.50}H_y$  да АФД ни тартибланиши учун 870 К ҳароратда 24 соат қиздириш талаб қилинар эди.



**2-расм.  $TiC_{0.50}H_{0.31}$  титан карбогидриднинг нейтронограммасидаги 111 ва 133 индексли қўшимча кичик максимумларнинг учга ажралиши**

Тартибланган АФД нинг даври  $P$  133 индексли максимум орқали қуйидаги ифода бўйича аниқланди:


$$P = \lambda^2/a_0^2 (\sin^2 \theta_2 - \sin^2 \theta_1) \quad (1)$$

бу ерда  $\lambda$  – нейтрон тўлқин узунлиги,  $a_0 - Fm\bar{3}m$  фаз. гур. учун аниқланган панжара доимийсининг параметри;  $\theta_2$  ва  $\theta_1$  – АФД структураси даврининг узайиши туфайли юзага келадиган сателитларнинг Брэгг бурчаклари. АФД структурасининг  $P$  даври 16 га тенг бўлиб чиқди, бу  $H/Ti \leq 0.22$  миқдори бўлган титан карбогидридаги тартибланган АФД давридан анча каттароқдир ( $P_{ср}=11$ ). Бу ҳол кам водород таркибига эга  $TiC_{0.50}H_{0.22}$  титан карбогидридларига нисбатан водород миқдори юқори бўлган  $TiC_{0.50}H_{0.31}$  титан карбогидридида тартибланган ҳолатга ўтиш ҳарорати юқорироқ бўлиб, синтездан кейин совутиш жараёнида нометалларнинг тартибланган ҳолатга ўтишга улгуришини кўрсатади.

Водород миқдори юқори бўлган  $TiC_{0.50}H_{0.31}$  ва  $TiC_{0.50}H_{0.50}$  карбогидридларда юқори ҳароратларда водород қайси тугун оралиқларида эканлигини аниқлаш учун бу намуналар вакуум остида кавшарланган кварц ампулада 1475 К ҳароратда 6 соат қиздириб, сувда тобланди. Уларнинг нейтронограммаларини ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, бундай ҳароратларда водород атомларининг ҳаммаси тетраэдр тугун оралиқларига ўтар экан. Аммо водороднинг эквиатомли  $TiC_{0.50}H_{0.50}$  таркибидан юқори таркибли  $TiC_{0.50}H_{0.55}$  ва  $TiC_{0.50}H_{0.60}$  карбогидридларини нейтронографик таҳлилга кўра, синтез қилинган намуналарнинг кристалл тузилиши  $P\bar{3}m1$  фаз. гур. доирасида ифодаланувчи гексагонал тузилишга эга эканлиги маълум бўлди. 3д-расмда  $TiC_{0.50}H_{0.55}$  намунасининг нейтронограммаси кўрсатилган, бу панжарада водород ядролари томонидан нейтронларнинг сочилиши натижасида некогерент фон кузатилади, унинг интенсивлиги Брэгг бурчаги

ортиши билан камаяди. Намунада водород қанча кўп бўлса бу фон шунча кучли бўлади.

Шундай қилиб, биз  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_y$  карбогидридида водороднинг  $y > 0.50$  миқдорида ТМК → ЗТГ (Зич тахланган гексагонал) миқдорий фазавий ўтишини кузатамиз. Таклиф этилаётган усул доирасида элементар ячейкада Ti атомлари  $1/3, 2/3, z_{\text{Me}} = 0.234 \pm 0.002$ ;  $2/3, 1/3, z_{\text{Me}} = 0.745 \pm 0.002$  координатали бошқа  $2(d)$  ҳолатни; водород (H) атомлари  $1/3, 2/3, z_1 = 0.632 \pm 0.002$ ;  $2/3, 1/3, z_1 = 0.368 \pm 0.002$  координатали бошқа  $2(d)$  ҳолатни эгаллайди. ЗТГ фазасининг структуравий формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:  $\text{Ti}_2\text{CH}_{2-x}$  (бу ерда  $x = 0 - 0.90$ ).




**3-расм. Нейтронограмма: а –  $\text{TiC}_{0.50}$ , б –  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.21}$ , с –  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.50}$ , д –  $\text{TiC}_{0.50}\text{H}_{0.55}$ . Рефлекс максимумлар тепасида  $Fm\bar{3}m$  (а, б ва с нейтронограммалар) ва  $P\bar{3}m1$  (д нейтронограмма) фазавий гуруҳларга муносиб Миллер индекслари қўйилган**

Олинган фазаларни вакуум остида кавшарланган кварцли ампулада 1700300 К ҳароратда 100 К қадам билан ҳар бир ҳароратда 24 соатгача қиздириш бу фазанинг кристалл тузилишининг ўзгаришига олиб келмади. Демак, унинг водород ажралиб чиқишига тўсқинлик қиладиган ёпиқ ҳажмдаги кристалл тузилиши барқарордир. Табиийки, унинг вакуумдаги

иссиқлик барқарорлигини ўрганиш қизиқиш уйғотади. Вакуумдаги термал барқарорликни ўрганиш учун ушбу ЗТГ фазаси  $5.3 \times 10^{-3}$  Па вакуумда қиздирилди. Қаттиқ қотишмаларни вакуумда иссиқлик билан ишлов бериш хона ҳароратидан бошлаб ундан юқори ҳароратларда ҳар бир ҳароратда аввал 24 соат, сўнгра 48 соат давомида амалга оширилди. Вакуумда қиздиргандан кейин намуналардаги водород миқдори камайганлиги учун уларнинг нейтронограммаларида нокогерент фоннинг пасайиши кузатилади. Нейтронограммаларнинг таҳлилига кўра, ўрганилган қаттиқ қотишмаларда 525 К ҳароратгача водороднинг иссиқлик эмиссияси деярли содир бўлмайди. 550 К ҳароратдан бошлаб,  $TiC_xH_y$  карбогидридининг тоза  $\alpha-Ti$  ва ТМКларга ажралиши аниқланди. Ҳароратнинг янада ошиши билан ажраладиган фазалар сони ортади. Бинобарин, таркибида углерод ва водород юқори бўлган  $Ti_2CH_{2-x}$  бирикмалар вакуумда фақат  $T < 550$  К ҳароратда термик барқарор бўлади. Шунинг учун уни водород резервуари сифатида ишлатиш мумкин эмас, чунки юқорироқ ҳароратда структура ўзгариб кетади. Бироқ улар ядровий энергетик транспорт қурилмаларида, ихчам ядро реакторларида нейтронлардан ва  $\gamma$  - нурлардан ҳимояланиш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин. Чунки бу бирикмада шундай мақсадда ишлатиладиган  $TiH_2$  титан дигидридига қараганда кучлироқ боғланган Н билан бирга нейтронларни секинлаштирувчи (С) углерод атомлари ҳам мавжуд ва ҳароратга чидамлилиги  $TiH_2$  дигидридига (475 К) нисбатан юқори.  $TiC_{0.50}H_{y \geq 0.50}$  да фазавий ўтиш симметрия (панжара доимийси) кескин (сакраб) ўзгаргани учун биринчи турдаги фазавий ўтиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, биринчи марта  $Ti-C-H$  системасида (ТМК)  $\rightarrow$  (ЗТГ) водород бўйича I тур миқдорий фаза ўтиши кузатилди.


4-расмда  $TiC_{0.50}$ , карбиди  $TiC_{0.50}H_{x \leq 0.50}$  ва  $TiC_{0.50}H_{x > 0.50}$  карбогидридларнинг элементар ячейкалари кўрсатилган. Кўпчилик карбогидридлар юқори ҳароратларда олинганлиги учун уларни термодинамик мувозанатга келган ҳолатини ўрганиш учун  $1270 \text{ K} \rightarrow 1170 \text{ K} \rightarrow 1070 \text{ K} \rightarrow 970 \text{ K} \rightarrow 870 \text{ K}$  ҳароратларнинг ҳар бирида 24 соатдан 100 К қадам билан вакуум остида кавшарланган кварц ампулада қиздирилди.



**4-расм.  $TiC_{0.50}$ , карбиди ва  $TiC_{0.50}H_{x \leq 0.50}$ ,  $TiC_{0.50}H_{x > 0.50}$  ( $Ti_2CH_{2-x}$ ) карбогидридларнинг элементар ячейкалари**

5-расмда ана шундай қиздиришдан кейинги фазавий таҳлил натижалари умумлаштирилган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, титан

карбидининг  $TiC_x$  нинг ТМК фазаси гомогенлик соҳасининг қуйи чегарасида водород паст ҳароратларда ( $T \leq 1170 K$ ) унинг гомогенлик соҳасининг камайишига ва бир неча фазаларга парчаланишига олиб келади, деган хулоса келиб чиқади. Парчаланган бирикмаларнинг фазавий таркиби эволюциявий бўлиб, водород миқдорига ва термик ишлов бериш ҳароратига боғлиқ бўлади.




### 5-расм. $TiC_{0.50}H_y$ карбогидрида водород миқдорига ва ҳароратга боғлиқ ҳолда структуравий фаза ўтишларининг эволюциявий схемалари

Диссертация ишининг “ $Ti_{1-x}Mo_xC$  бирикмасининг кристалл тузилиши ва хусусиятлари” номли тўртинчи бобида  $Ti_{1-x}Mo_xC$  бирикмасининг нейтронографик тадқиқот натижалари келтирилган. Бугунги кунда вольфрамнинг кескин танқислиги туфайли вольфрам ёки вольфрам таркибли бирикмаларни алмаштирадиган бирикмаларни топиш долзарб масала бўлиб қолди. Шундай бирикмалардан бири  $Ti-Mo-C$  тизимида бўла олиши мумкин. Бугунги кунга қадар ушбу тизимнинг  $Ti_{0.90}Mo_{0.10}C$  таркибигача бир фазали куб фазаси олинган. Бизнинг таҳлил бошланғич материалларнинг таркибини ва юқори қиздириш ҳароратини ўзгартириб, куқунли металлургия усули орқали таркибида юқори миқдордаги молибден бўлган бирикмани олиш мумкинлигини кўрсатди. ТМК  $TiC$  титан карбиди ва  $MoC$  молибден карбиди изоструктурали бўлиб,  $NaCl$  туридаги ТМК панжарага эга, панжара доимийлари ( $TiC$  учун  $a = 4.3278 \text{ \AA}$  ва  $MoC$  учун  $a = 4.3210 \text{ \AA}$ ) яқин.  $Ti$  ва  $Mo$  нинг атом радиуслари ҳам яқин ( $1.47 \text{ \AA}$  ва  $1.40 \text{ \AA}$ ), узлуксиз қаттиқ қотишмани шаклланиши учун Вегард шартини қаноатлантиради. Демак, бир фазали куб структурали  $Ti_{1-x}Mo_xC$  олиш мумкин.


Нейтронограммага кўра, олинган  $Ti_{0.70}Mo_{0.30}C$  намунаси ТМК бир фазали эканлигини кўрсатади. Намунанинг нейтронограммаси уни  $Fm\bar{3}m$  фаз. гур.га тегишли эканлигини кўрсатди. 6-расмда биз таклиф қилган структура модели бўйича олинган бирикманинг экспериментда қузатилган ва назарий ҳисобланган нейтронограммалари кўрсатилган.

Ушбу моделда, 2.8 қисм  $Ti$  атомлари ва 1.2 қисм  $Mo$  атомлари бир-бири билан статистик аралашган ҳолда 4  $b$  позицияларда жойлашган; 4 та углерод атомлари эса 4  $a$  октаэдр позицияларида статистик жойлашган. 7-расмда ТМК  $TiC$  ва  $Ti_{0.70}Mo_{0.30}C$  қаттиқ қотишмаларнинг элементар ячейкалари тасвирланган.



